



## XX-АСР БОШЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОНДА МУСИҚИЙ ДАРГОҲЛАР ФАОЛИЯТИ АНЬАНА ВА ЗАМОНАВИЙЛИК КЕСИМИДА

**Азизжон Мўминов.** Самарқанд ихтисослаштирилган санъат мактаби олий тоифали ўқитувчisi, “Мусиқа назарияси” кафедраси мудири.

**Аннотация.** Ушбу мақолада Ўзбекистонда мусика тълими, тараққиёти ва тадқиқотлари юзасидан қимматли маълумотлар ўрин олган. Бундан ташқари унинг яқин ўтмиши ва бугунги ахволи ҳақидаги айрим фикрлар ҳам келтирилган.

**Калит сўзлар:** педагогика, анъана, санъат, консерватория, шашмақом,

**Аннотация.** Эта статья содержит ценную информацию о музыкальной обозрении развитии и исследованиях в Узбекистане. Также есть некоторые сведения о ее недавнем прошлом и нынешним состоянии дел.

**Ключевые слова:** педагогика, традиция, искусство, консерватория, шашмаком.

**Annotation** This article contains valuable information about music, education, development and research in Uzbekistan. There are also some notions of its recent past and present state of affairs

**Key words:** pedagogy, tradition, art, conservatory, shashmakom.

Маълумки, жамият истиқболини белгилаб берувчи келажак авлод вакилларини ғоявий-сиёсий жиҳатдан етук шахс бўлиб шаклланиши, бир сўз билан айтганда, комил инсон тарбияси давлат тақдирини белгиловчи омиллардан бири эканлиги яққол намоён бўлиб, янада долзарб мавзулардан бирига айлана борди. Ўз навбатида республика таълим тизимида бир қатор ислоҳотлар олиб борилди, улардан кўзланган асосий мақсад ёшлар онги ва билим савиясини оширишда барча чоралардан унумли фойдаланган ҳолда жамиятга малакали мутахассис-кадрлар етказиб, бу борада етарлича ижобий натижалар ҳам қўлга киритилди. Дарҳақиқат,



сўнгги йилларда Янги Ўзбекистон мұҳитида улкан тарихий жараёнлар санъат соҳасида ҳам ўз иниъкосини топмоқда.

Собиқ Шўро давридаги бир қатор адабиётларда XX аср бошлари, хусусан, инқилобгача бўлган даврда Туркистонда нафакат мусиқа, балки бутун маданий аҳволнинг ниҳоятда паст даражада бўлганлиги таъкидланар эди. Маданий тараққиёт эса, бевосита Туркистоннинг Россия таркибига “кўшиб олиниши” билан изоҳланарди. Аммо, бу империяпарастлик фикрлар ҳақиқатдан анча йироқ эди, албатта. Чунки, мазкур даврда бу заминда юзага келган юксалишлар, маънавий интилишларнинг ҳаммаси объектив ижтимоий тараққиёт ва давр тақазоси эди, холос.

Мазкур кесимда XX асрнинг бошларида Туркистонда туб ўзгаришлар юзага келганлигини эътироф этиш жоиз. Бунда мамлакатдаги хон ва амирлик тизими тугатилиб, янги ҳокимиятининг барпо этилиши барча жабҳалардаги сингари, мусиқа санъати соҳасида ҳам замон талабига мос қараш ва муносабатларни юзага келиши, тегишли тушунча ва атамаларнинг жорий этилишига олиб келганлигини айтиб ўтиш лозим. Бир томондан ўзбек халқининг моддий ва маънавий бойликлари, осори-атиқалари эътиқод-удумлари мустамлакачилар томонидан поймол қилинди. ...“Чор Россияси Туркистонни босиб олгач минтақанинг нафакат табиий ва иқтисодий бойликлари, балки моддий-маънавий бойликлари ҳам талон тарож қилинди. Улар Туркистондаги амирлик ва хонликлардан қўлёзма, хужжатларни, халқ амалий санъати намуналари ҳамда нодир рисолалар, шунингдек мусулмон оламининг муқаддас китоби VIII асрга мансуб “Усмон Қуръони” Петербургга жўнатилди. Биргина Хива хони саройидаги 300 дан зиёд араб, форс, турк ва ўзбек тилларидаги фахрли ноёб манбалар шулар жумласидан Хоразм нота ёзувининг нодир нусхалари ҳам Петербургдаги Император кутубхонасига жўнатилган”.[1,18-б.] Бошқа томондан, мазкур жараён европа маданиятларининг Марказий Осиёда аста-секинлик билан муштараклашуви, хусусан мусиқа санъатида янгича тамойилларнинг, жумладан универсал нота ёзуви, сахнавий жанрлар ва бошқа жиҳатлар киритилиши билан тўлдирилганлигини айтиш зарур.



Ўзбек миллий қўшиқчилик санъати ҳам ўзига хос тарзда, миллийлик-анъанавийлик ҳамда Шўро ҳукуматининг «маданий инкилоб» сиёсати жабҳаларида намоён бўлди. 1920 йилнинг бошидан Ўзбекистонда миллий мусиқа асбобларида чалишни ўргатадиган махсус мактаблар очилди. [2,67-б.] Бироқ бу мактаблар фақат европача услубда бўлиб, ўқувчиларга ғарб нота тизими, ҳамда европа мусиқа назарияси ўқитиларди.

1921-1924 йилларда Туркистондаги маориф институтларида ҳам мусиқа дарси мажбурий предмет сифатида ўқитиш бошланди. Бироқ бу институтларда ўқув режалари асосан рус билим юртлари учун мўлжалланган тарзда тузилган булиб, асосий предметлар нота саводи, рус мусиқа назарияси ва тарихи, инқилобий мазмундаги рус хоридан иборат эди. [3, 277-б.]

Фарғонада 1921/22 ўқув йилида фаолият кўрсатган миллий професионал мусиқачилар тайёрлаш мусиқа мактабида 7 та синф бўлиб, улар: фортепиано, скрипка ва альт, виолончель, контрабас, дамли асбоблар, хор синфи ва ҳалқ куйларидан иборат эди. Шу асосда ўзбек миллий мусиқа маданиятини «шиддат» билан четлаштирилиб, унинг ўрнига «байнамилал» никоби остида рус мусиқий маданиятини киритиш дастлабки йиллардаёк бошланган эди. [4, 16-б.]

1918-йилдан эътиборан Туркистон Ҳалқ Университети (Ҳозирги Миллий Университет) таркибида Туркистонда ҳам биринчи консерватория – Туркистон Ҳалқ консерваторияси ўз фаолиятини бошлади. В.А.Карелин унинг биринчи директори этиб тайинланди. Консерваторияда ўз навбатида европача андозалар билан биргаликда шарқона-миллий таълим тизими ҳам йўлга қўйилган эди. Мазкур Ҳалқ консерваториясининг асосий вазифаси ҳалққа мусиқадан бошланғич маълумот бериш, бирорта чолғу-созда чалишни ўргатиш ва хонандалик мутахассислигидан сабоқ беришдан иборат эди. Ўқиши муддати ва дастури аниқ белгиланмаганлиги учун ҳар бир устоз-педагог ўқувчи-талабани қобилияти ва имкониятини назарга олган ҳолда дарс берганлар.



1928 йилда Самарқанд мусиқа ва хореография институти ўз фаолиятини бошлади. Институтнинг раҳбари Н.Миронов эди. Институт ўз олдига халқ ижодиётини тадқиқ этиш, миллий ашула ва рақс санъатларини ўргатиш, мусиқа тарихига оид маълумотлари тўплаш ҳамда нота намуналарини яратишдек маърифий вазифаларни мақсад қилиб қўйди.

Ана шу қўйилган вазифаларни амалга ошириш учун Н.Миронов А.Фитрат маслахати билан Бухородан: Ота Жалол Носиров, Домла Ҳалим Ибодов, Абдураҳмон Умаровни; Хоразмдан: Матюсуф Ҳарратовни, Самарқанддан Абдулазиз Расуловни, Фарғона водийсидан Аҳмаджон Умирзоқов, Абдуқодир Исмоилов каби устозларни ва ўзбек адабиётидан дарс беришга шоир, драматург Ғулом Зафарийлар таклиф қилинди.

Институтнинг илмий фаолиятида бир талай ижобий ишлар қилинди. Ўзбек ва татар тилларида «Мусиқа саводи» қўлланмаси, рус тилида «Музыка ўзбеков» (1929), «Музыка таджиков» (1930) аспирантлар М.Ашрафийнинг “Бухоро халқ қўшиқлари”, Т.Содиковнинг “Фарғона халқ қўшиқлари”, Ш.Рамазоновнинг “Хоразм халқ қўшиқлари” номли тўплам-китоблари нашр этилди.

1934 йилда Тошкентда Олий мусиқа мактаби ташкил қилинди. 1936 йилдан эътиборан у Тошкент Давлат консерваторияси мақомини олди. Тошкент давлат консерваториясида ўқув жараёнидан ташқари, дастлабки йилларданоқ, В.Успенский раҳбарлигига илмий-методик кабинет очилди.

Мустақиллик йилларида Олий таълим муассасалари ичida Ўзбекистон давлат консерваторияси “Анъанавий чолғу ижрочилиги” ва “Анъанавий хонандалик” кафедралари мумтоз мусиқамизнинг етук ижрочиларини тайёрлашда жонбозлик қилиб келди. Шунингдек, Ўзбекистон давлат Санъат ва Маданият Институти эса халқ оғзаки ижодини ўрганиш ва изланишлар борасида етакчи таълим муассасасидир.

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 17 ноябрдаги “Ўзбек миллий мақом санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ҳамда 2018 йил 6 апрелдаги “Халқаро мақом санъати анжуманини ўтказиш тўғрисида”ги қарорлари



ўзбек мумтоз мусиқаси тарихида янги даврни бошлаб берган муҳим ҳужжатлар бўлди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маданият ва санъат соҳасининг жамият ҳаётидаги ўрни ва таъсирини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020-йил 26-майдаги ПФ-6000-сон мақом ижроилиги, бахшичилик ва катта ашула йўналишлари бўйича кадрлар тайёрловчи таянч олий таълим муассасаси — Юнус Ражабий номидаги Ўзбек миллий мусиқа санъати институти ташкил этилганлиги ҳам оламшумул воқеа сифатида эътирофга лойикдир. [5, 6-б.]

Мазкур институт юртимиизда мақом, халқ мусиқаси, бахшичилик ва катта ашула ижроилигини янада ривожлантириш, бу борада шаклланган ижро ва ижодий мактаблар ва анъаналарни, буюк бастакорлар, ҳофиз ва созандалар меросини чуқур илмий асосда ўрганиш ва қайта тиклаш билан шуғулланади.

Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда Республикада мусиқий даргоҳларнинг мавқеини янада юксалтириш йўлида муайян ишларни амалга ошириш даркор. Хусусан, Олий мусиқий таълим даргоҳлари барча факультетларда миллий мусиқа меросимиз Шарқ мусиқий тафаккури, мақомот ва унинг таҳлили алоҳида фан сифатида янада чукурроқ ўтилиши мақсадга мувофиқдир. Зеро, тан олиб айтиш керакки, биз Шашамақомни, унинг назарий асосларини Европа мусиқаси (соната, симфоник туркум шакллари) даражасида билмаймиз. Шунингдек, бугунги кунда Республикаизда айнан мусиқага бағишлиланган алоҳида газета ёки журналларнинг ниҳоятда камлиги ажабланарли ҳолдир. Ўқув даргоҳлари қошида унинг мусиқий ҳаёти маданий ютуқларини акс эттирувчи деворий газета ва газета-журналлар фаолиятини йўлга қўйиш фурсати келди чамаси.

Хулоса қилиб айтганда XX асрнинг иккинчи ярмида вужудга келган янги, европача шаклдаги мусиқий тафаккур ва миллий мусиқий қадриятлар Ўзбекистон заминида ривожланиб, ижодий ютуқларга эришилмоқда. Мазкур, катта тарихга нисбатан қисқа йигирма йиллик давр, ўзининг янгиликларга бойлиги, янгича ғоялар негизида ҳур фикрларнинг юзага келши ва мусиқий меросни замонавий кесимда тадқиқ этилиши каби жиҳатлари билан том маънода Мустақиллик даврига ҳамоҳангдир.



## Фойдаланилган адабиётлар

1. Ж.Туленов, З.Гафуров “Мустақиллик ва миллий тикланиш” Т., 1996.
2. Йулдошева С. Ўзбекистонда музика тарбияси ва таълим мининг ривожланиши. - Т., 1985.
3. Ўзбекистоннинг янги тарихи :Ўзбекистон Совет Мустамлакачилиги даврида Тошкент 2000 й.
4. ЎзР МДА, 34-фонд, 1-рўйхат, 716-йифма жилд.
5. Вазирлар Маҳкамасининг 2020-йил 2-сентябрдаги 536-сон қарори.

